

АЖРИМ

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил апрель ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Нуробод туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси, Нуробод тумани, “Наврўз” МФЙ биносида бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси Ж.Арсланов, судья ёрдамчиси Ю.Амировнинг котиблигида, томонлардан Нуробод туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Қодиров, жабрланувчи Ф.Хошимова ва унинг ҳимоячиси-адвокат Р.Ахмеджанов, судланувчи С.Кориев ва унинг ҳимоячиси адвокат Н.Райимовларнинг иштирокида,

Кориев Субхон Эгамбердиевич (Koriyev Subxon Egamberdiyevich) –1986 йил 31 май куни Самарқанд вилояти, Нуробод туманида туғилган, миллати тожик, ўзбек тилини билади, таржимон хизматида муҳтож эмас, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, давлат мукофотлари олмаган, депутатликка сайланмаган, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Нуробод тумани, “Оқсой” маҳалласида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 9 апрель куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 4-қисми билан судланувчига оид 1-1410-2401/30-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қўйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи Кориев Субхон Эгамбердиевич жамиятимизда энг муқаддас ҳисобланган оила ва ундаги эр-хотин муносабатлари анъанасига амал қилмасдан, бошқа оилаларга ўрнатилган бўлиш ўрнига, 2024 йил 19 февраль куни соат 14:00да Нуробод тумани “Оқсой” маҳалласи “Оқсой” қишлоғидаги яшаш хонадонидан бир рўзғор асосида биргаликда яшаб келаётган турмуш ўртоғи Хошимова Фароғат Абрововна билан ўрталарида келиб чиққан ўзаро оилавий келишмовчилик натижасида жанжаллашиб, жанжал давомида турмуш ўртоғи Ф.Хошимовани оёқлари билан чап қўли тирсак қисмини тепиб, оилавий майиший зўравонлик содир қилган.

РСТЭИАМ Самарқанд филиали Нуробод тумани бўлимидан 29.02.2024 йилдаги 100-сонли хулосасига кўра, Хошимова Фароғатнинг танасида, яъни чап тирсак ўрта учлигидан парчаланиб синиб силжиши каби жароҳатлари мавжуд бўлиб, улар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида етказилганлиги, жароҳатлар соғлиқни йигирма бир кундан кўп, аммо бир юз йигирма кундан кам бўлган муддатга бузилишига сабаб бўлиши, шунинг учун ўртача оғирликдаги шикаст гуруҳига кириши, жароҳатларнинг етказилган вақти 2024 йил 19 февраль кунига тўғри келиши мумкинлиги кўрсатилган.

Судга, жабрланувчи Ф.Хошимова ва судланувчи С.Кориевлар ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни сўрашди.

Суд мажлисида судланувчи С.Кориев айбига тўлиқ иқrorлик билдириб, жабрланувчи Ф.Хошимовадан кечирим сўраганлигини, етказилган барча моддий ва маънавий зарарларни қоплаб берганлиги, улар ўзаро ярашганликлари, айбига тўлиқ иқrorлиги, қилган ишдан чин кунгилдан пушаймонлиги, бундан кейин шунга ўхшаш ҳолатлар такrorланмаслиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, унинг ярашувига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, шу сабабли мазкур жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўраган.

Суд мажлисида жабрланувчи Ф.Хошимова сўроқ қилинганда, ҳозирги кунда судланувчи С.Кориев ундан кечирим сўраганлиги ва етказилган барча моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаб берганлиги, шу сабабли улар ўзаро ярашганликлари ва унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ярашув тўғрисидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, С.Кориевга нисбатан бўлган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўраган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 126¹-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида жабрланувчи ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ЖПКнинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, жабрланувчи Ф.Хошимова ва судланувчи С.Кориевларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Нуробод туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Қодиров ҳамда ҳимоячи Р.Ахмеджанов ва Н.Райимовларнинг фикрларини эшитиб, С.Кориевнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига тўлиқ иқроорлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ва ЖКнинг 126¹-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ҳамда ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан судланувчи С.Кориевни айблилик масаласини ҳал қилмасдан, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни, унга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чорасини ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишликни лозим деб топади.

Шу билан бирга суд, жабрланувчи Ф.Хошимовага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан, ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра, суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 582-583, 585-586-моддаларига амал қилиб, ажрим қилади:-

А Ж Р И М :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 4-қисми билан Кориев Субхон Эгамбердиевич (Koriyev Subxon Egamberdiyevich)га нисбатан бўлган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ҳаракатдан тугатилсин.

Ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг, Кориев Субхон Эгамбердиевичга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи Ф.Хошимовага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Иш бўйича зарар қопланган деб эътироф этилсин.

Ажримдан норози томонлар ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят беришликка ёки прокурор хусусий протест билдиришликка ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

/имзо/

Ж.Арсланов

“Ажрим нухаси аслига тўғри”

